
DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-23 Pages: 205-213

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



THE WORK OF MUQADDAMATU-L-ADAB IN THE VIEW OF GLOBAL HISTORICAL SCHOLARSHIPS

Shuxrat M. Mirziyatov
Associate Professor, PhD in Philology
Department of Arabic Studies
Tashkent State University of Oriental Studies
Email: *sh.mirziyatov@gmail.com*
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Mahmud Zamakhshari, Arabic lexicography, morphology, manuscript, compound words, the phenomenon of appellativeization, phonetics, improvisation, proper nouns.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: This article discusses the issues of Arabic grammar, in particular, the emergence and formation of Arabic lexicography. Also, within the scope of the article, issues that have attracted the attention of scholars in the field of Oriental studies around the world, as well as the scientific heritage of Mahmud Zamakhshari, who laid the foundation for one of the main directions in the formation of Arabic lexicography, are studied with great interest and enthusiasm.

МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ АСАРИ ЖАҲОН ЗАМАХШАРИЙШУНОСЛАРИ НИГОҲИДА

Шухрат М. Мирзиятов
Доцент, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Арабшунослик олий мактаби
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Email: sh.mirziyatov@gmail.com
Ўзбекистон, Тошкент,

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Маҳмуд Замахшарий, араб луғатшунослиги, морфология, қўлёзма, қўшма сўзлар, апеллятивизация ҳодисаси, фонетика, импровизация, атоқли отлар.

Аннотация: Ушбу мақолада араб тили грамматикаси масалалари, хусусан, араб лексико¬графиясининг юзага келиши ва шаклланиши масалалари юзасидан фикр юритилади. Шунингдек, мақола мавзуси доирасида бутун жаҳон шарқшунослиги илмида олимлар диққатини жалб этиб келган масалалар, араб луғатшунослигининг шакл¬ланишида

асосий бўлган йўналишлардан бирига асос солган Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси ҳам кучли қизиқиш ва иш¬тиёқ билан тадқиқ этилган.

ТВОРЧЕСТВО МУКАДДАМАТУ-Л-АДАБА В ЗРЕНИИ МИРОВЫХ ИСТОРИЧЕСКИХ НАУК

Шухрат М. Мирзиятов
Доцент, доктор философии по филологическим наукам (PhD)
Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
Email: sh.mirziyatov@gmail.com
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Махмуд Замахшари, арабская лексикография, морфология, почерк, сложные слова, апеллятивный феномен, фонетика, импровизация, имена собственные.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы арабской грамматики, в частности, возникновение и становление арабской лексикографии. Также в рамках статьи с большим интересом и энтузиазмом были изучены вопросы, привлекшие внимание ученых-востоковедов всего мира, а также научное наследие Махмуда Замахшари, заложившего основу одного из основных направлений в формировании арабской лексикографии.

Кириш

Араб тили грамматикаси масалалари, хусусан, араб лексикографиясининг юзага келиши ва шаклланиши масалалари бутун жаҳон шарқшунослиги илмида олимлар диққатини жалб этиб келган. Айни чоғда араб тилшуносларининг грамматикага оид қарашлари, араб луғатшунослари томонидан тартиб берилган луғатлар тадқиқотлар диққат марказида турган. Ишнинг аввалги фаслида қайд этиб ўтилганидек, араб луғатшунослигининг шаклланишида асосий бўлган йўналишлардан бирига асос солган Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси ҳам кучли қизиқиш ва иштиёқ билан тадқиқ этилган.

Адабиётлар таҳлили ва методология. В.М.Белкиннинг эътирофича (Belkin, 1975, p. 162), араб луғатшунослари грамматика масалалари билан алоҳида шуғулланишмаган, фақатгина Замахшарий ҳам грамматика соҳасида, ҳам лексикография соҳасида оригинал асарларни яратган (Belkin, 1975, p. 162). Ҳаттоки, умуман, араб тилига оид илмий тадқиқотларга эътибор қилсак, Маҳмуд Замахшарийнинг исмини тилга олмаслик, унинг

араб тили грамматикаси ва луғатшунослиги ривожидаги хизматини қайд этмасдан ўтиш мумкин эмас.

Татар тилшуноси Р.Р.Сафиуллина араб тилшунослик анъаналари ва унинг татар тилшунослиги тарихидаги таъсири масаласига тўхталар экан, татар мадрасаларида араб тилини ўрганишда энг машҳур ҳисобланган, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муфассал фи-н-наҳв» асарининг қисқартирилган шакли бўлган «Унмузаж фи-н-наҳв»ни ҳам тилга олади (Safiullina, 2003 p. 103).

А.М.Салахов XIX аср ва XX бошларида татар мадрасаларида араб тили грамматикаси бўйича қўлланилган асарлар ҳақида маълумот берар экан, Маҳмуд Замахшарийнинг «Унмузаж» асарига алоҳида тўхталади. Мақолада эътироф этилишича, «Унмузаж» асари нафақат Волга-Урал минтақаси татарлари, балки умуман туркий халқлар орасида энг машҳур бўлган дарслик бўлган. Мақолада асарнинг тузилиши ва таркиби ҳақида қисқача маълумот келтирилади. А.М.Салахов араб тили грамматикасига оид материалларнинг тизимлаштирилган ва аниқ баёнини қамраб олган асар сифатида таърифлайди (Salakhov, 2012 p. 263-266).

Д.Н.Гулидованинг мақолалари Маҳмуд Замахшарийнинг «Муфассал» асарига ёзилган изоҳларни қамраб олган Ибн Йаʻиш муаллифлигидаги «Шарҳ ал-Муфассал» асарини таништириш ҳамда унда атоқли исмларни тавсифлаш аспектларини ёритишга қаратилган (Gulidova, 2014, p. 7-29), мақолада қайд этилишича, 10 жилддан иборат « Шарҳ ал-Муфассал» Замахшарий асарининг тузилишига мутаносиб тартибланган. Унинг биринчидан олтинчи жилдигача исм, еттинчи жилди феъл, саккизинчи жилд ва тўққизинчи жилднинг биринчи қисми ёрдамчи сўз туркумига бағишланган. Умумий масалалалар ўнинчи жилдда кўриб чиқилган. Д.Н.Гулидованинг ёзишича, Ибн Йаʻиш шарҳида Замахшарий асаридан маълум бир лавҳасини келтиради, лавҳа бўлиб-бўлиб шарҳланади, зарур ўринларда алоҳида сўзлар, грамматик қоида ва конструкциялар тушунтирилади. Асар бошида Ибн Йаʻиш асарда учрайдиган атамаларни изоҳлайди. Бунда айни атамага берилган таърифларни келтиради ва уларга ўз муносабатини билдиради. У ёки бу қараш¬ни асослаш учун Ибн Йаʻиш мавжуд барча қарама-қаршиликларни кўриб чиқади ва уларни таҳлил қилади. Баъзи ўринларда ўқувчи етарли билимга эга, деб ҳисоблагани учун қисқа шарҳлар билан чегараланади. Шарҳда Замахшарий фикрлари билан баҳсга киришилган ўринлар ҳам мавжуд.

Д.Н.Гулидованинг атоқли отларга оид мақоласида «Шарҳ ал-Муфассал» асари биринчи жилдининг алоҳида бўлими араб тилидаги атоқли отларга бағишланганлиги, атоқли отлар морфологик таркибига кўра икки гуруҳга содда (муфрад) ва мураккаб (мураккаб) га ажратилганлиги қайд этилади. Мураккаб атоқли отлар ўз навбатида уч

гуруҳга бўлинади: 1) исм-гаплар; 2) битишув йўли билан бириккан қўшма сўзлар; 3) генетив конструкция бўлган исмлар (идафа). Муаллиф атоқли отларнинг номинацияси масаласига тўхталар экан, Ибн Йа’иш атоқли отларнинг кўпчилиги маъно кўчиши йўли билан ҳосил бўлган, деб фикр билдирганини баён этади. Шунингдек, транспозиция (манқул) ва импровизация (муртажал) усулларини ҳам қайд этади. Муаллиф Ибн Йа’иш асарида онимизация (турдош отнинг атоқли отга ўтиши) билан бир қаторда қарама-қарши вазият – апеллятивизация ҳодисасига ҳам диққат қаратади. Асарда отларнинг келишик шакллари таҳлили ҳам берилган бўлиб, унда исмларнинг тўлиқ (мунсариф) ва нотўлиқ парадигмаси (ғайру-л-мунсариф) сабаблари изоҳланган.

Грузин тилшуноси Н.И.Робакидзе Маҳмуд Замахшарийнинг фонетик концепциясини тадқиқ этишга оид номзодлик диссерта¬циясида Замахшарийнинг араб тили грамматикасига оид 10 та китоби мавжудлигини эътироф этади (Gulidova, 1984, p. 124). Шу ўринда, Сибавайҳининг «Китаб»идан кейинги араб тили грамматикасига оид энг муҳим асар сифатида «Муфассал»ни тилга олади. Бу китобнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида аввал ҳеч бир муаллиф томонидан татбиқ этилмаган иш – кириш қисмининг киритилганлигида деб кўрсатади. Киришда муаллиф китобнинг ёзилиш сабаблари ва усулларини баён этади. Хусусан, Маҳмуд Замахшарий араб тили грамматикасининг асосий тушунчаси бўлган и'раб - (флексия) ҳақида китоб ёзиш вазифасини топширишганини ёзади. Натижада тўрт қисмдан иборат (от, феъл, ҳарф, умумий ҳолатлар - муштарак) «Муфассал» асарининг тўртинчи қисми Н.И.Робакидзенинг илмий иши учун тадқиқот объекти сифатида танланган. Мазкур қисмда фонетика масалалари, талаффузнинг асосий қоидалари, фонетик ҳодисалар, товушларнинг кетма-кет жойлашиш тартиблари каби масалалар кўтарилади. Ушбу қисмни таҳлил этиш ва ўрганиш XII аср буюк тилшуносининг фонетик концепциясини шакллантириш имконини беради. Н.И.Робакидзенинг таъкидлашича, Замахшарий биринчи бўлиб барча сўз туркумлари учун муштарак бўлган ва алоҳида тадқиқни талаб этувчи тил ҳодисалари мавжудлигига эътибор қаратган. Тадқиқотчи немис олими Вайль «Муфассал»нинг айни бўлимини шу қадар муҳим (Veil, 1905. p. 147), деб ҳисоблаганки, уни «зеб-зийнатлар солинган қутича»га тенглаштирганини қайд этиб ўтади. Монографиянинг биринчи боби нутқ товушларининг ҳосил бўлиши (унли ва ундош товушлар), иккинчи боби нутқ товушларининг ўзгариши бўлиши учинчи боби бўғиннинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқига бағишланган.

Натижалар. «Муқаддамату-л–адаб» асари яратилган давридан бошлаб бир неча асрлар давомида олимлар, тадқиқотчилар эътиборини жалб этиб келмоқда. Асар биринчи марта 1706 йилда Хўжа Исҳоқ Афанди томонидан усмонли турк тилига таржима қилинган. Сўнгра Европанинг француз, немис тилларига ағдарилган. Париж, Лейпциг, Вена, Лейден,

Қозон, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча марта нашр бўлган. Немис олимларидан Ветштейн «Муқаддамату-л-адаб» асарининг Европа қўлёзма фондларидаги еттита қўлёзмасини жиддий ўрганиб, 1859 йилда Лейпцигда асарнинг икки жилдлик танқидий матнини нашр эттирди. Шунингдек, Ветштейн бу мукаммал нашрни фиҳрист билан биргаликда чоп қилганлиги сабабидан мазкур нашр қимматли манбалардан ҳисобланади (Zamakhshariy, 1992, p. 37-38).

Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари араб тили учунгина эмас, балки бошқа тиллар учун ҳам муҳимдир. Бинобарин, «Муқаддамату-л-адаб»даги форс-тожик ва хоразмча сўзлар эроншуносларни қизиқтирса, туркий сўзлари туркийшуносларни, мўғул сўзлари мўғулшуносларни ҳам қизиқтириб келмоқда (Rustamov, 2010, p.15.).

Мўғулшунос олим Н.Н.Поппенинг махсус тадқиқотида «Муқаддамату-л-адаб» асарини айнан мўғул тилшунослиги нуқтаи назаридан ўрганган. Олимнинг «Монгольский словарь» «Муқаддамату-л-адаб» китоби икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида луғатда келтирилган мўғул тилига оид материалларнинг фонетик ва морфологик белгилари тадқиқ этилган бўлса, иккинчи қисмда мўғулча-туркийча луғат келтирилган (Poppe, 1938. p. 171). Н.Н.Поппе тўрт тилли «Муқаддамату-л-адаб» луғатининг, мўғул тили материалларинигина таҳлил қилган, туркий тил сўзлигини ёрдамчи материал сифатида тадқиқотнинг иккинчи қисмида келтирган. Иш учун Дарвеш Муҳаммад томонидан 898/1492 йилда кўчирилган нусхаси манба сифатида олинган бўлиб, бу нусхада асарнинг фақат биринчи икки қисми мавжуд бўлиб, қолган уч қисми йўқ. Мазкур нусхада арабча сўзларнинг форсча, туркийча, мўғулча изоҳлари берилган. Олимнинг эътирофига кўра, асардаги мўғулча лексик материал муаллиф томонидан киритилмаган, лекин, ҳар ҳолда 1492 йилгача киритилган.

В.Э.Раднаевнинг Россияда XIX асрнинг биринчи ярмида мўғул тилшунослиги тарихининг ўрганилиши масаласига доир монографиясида грамматик назария, тарихий лексикология ва лексикография каби муҳим йўналишлар таҳлилга тортилган (Radnaev, 2012, p. 392). Китобда XIX асрда ишлаб чиқилган мўғул тилининг тарихий лексикологияси мўғул халқларининг миллий онги, мўғул давлатчилигининг шакл ва мазмуни билан узвий алоқадорликда ўрга¬нилган. XIV асрдан XIX асргача бўлган мўғул лексикографиясининг юзага келиши ва шаклланиши Ғарб билан Шарқнинг дихотомик алоқаси, ворисийлик ва ўзаро таъсир доирасида тадқиқ этилган.

Олимнинг таъкидлашича, мўғул лексикографияси XIV асрда юзага келган бўлиб, илк икки ва кўп луғатли луғатлар араб ва форс олимлари томонидан тузилган. Арман ва грузин тарих¬чилари ҳам мўғул тилига қизиқиш билдириб, сиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзлаб луғатлар тузишган. Кейинчалик мўғул тилшунослиги Хитойда юзага келган, Тибет

ва Мўғулистонда ривожланган (Veil, 1905, p. 283). В.Э. Раднаев мўғул лексикографиясида муҳим ўрин эгалловчи қўлёзмалар орасида Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарини ҳам тилга олади. Мўғулшунос олим Н.Поппе Бухоро амири кутубхонасидаги Фитрат томонидан 20-йилларнинг бошида аниқланган мазкур қўлёзманинг 898 ҳиж-рий йилда Дарвеш Муҳаммад томонидан кўчирилган нусхасини Ленинградда қўлга олган.

Бундан ташқари, турк олими Нури Йуже «Муқаддамату-л-адаб» асарининг хоразмча таржимаси мавжуд бўлган Шуштар нусхаси (Олимнинг таъкидлашича, мазкур нусха Эроннинг Шуштер шаҳарчасида Шайх Муҳаммад Такийнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. 1967 йилда бу нусха Ўрхан Билгин томонидан Истанбул кутубхонасига олиб келинган ва микрофильм шаклида фондга қўйилган. Асарнинг учдан бир қисми – 100-120 саҳифаси йўқ. Шу сабабли асарнинг номи, муаллифи, котиб, кўчирилган санаси ва жойи маълум эмас. Аммо тил хусусиятлари, ёзуви ва қоғозидан XIII асрга оидлигини тахмин қилиш мумкин.) асосида махсус тадқиқот олиб борган (Yüce, 1988. p. 79). Олим тадқиқотда Хоразм минтақасининг Исломдан олдинги ва кейинги вазият, Замахшарийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида умумий, хусусан, «Муқаддамату-л-адаб» асари, унинг Шуштар нусхаси ҳақида маълумот беради. Нури Йуже асарнинг Тошкентдаги, Буюк Британия музейи ҳамда Рампур Сарой нусхаларидан ташқари барча нусхаларини жиддий ўрганиб чиққанлигини эътироф этади ва Шуштар нусхасининг афзаллигини қуйидагилар билан изоҳлайди̅ 1. Шуштар нусхасида ҳар бир арабча сўзнинг туркий таржимаси келтирилган бўлиб, баъзида сўз маъносининг бир неча муқобиллари қайд этилган. 2. Асарнинг бу нусхасида сўзларнинг форсча таржималари ҳам кўп келтирилган. 3. Бошқа нусхаларда асл арабча ва форсчадан ўзлашган сўзлар туркийча таржима сифатида келтирилган, Шуштар нусхасида бу ҳолат кам кузатилади. 4. Шуштар нусхасида бошқа нусхаларда мавжуд бўлмаган ҳолат, яъни ўрта турк тили даврига оид сўзлар ҳам учрайди. Н.Йуже тадқиқотининг маълум бир қисми асарнинг тил хусусиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, унда унлилар ва ундошларнинг ёзилиши ва талаффузи билан боғлиқ масалалар, матндаги сўзларнинг айрим морфологик белгилари, сўзларнинг этимологиясига оид фикрларни ўз ичига олган (Yüce, 1988, p. 15-18). Муаллиф асосий эътиборни матннинг транслитерациясига ҳамда сўзларнинг қўлланилиш шакли ва частотасини белгилашга йўналтирган.

Н.Б.Бадмацыренова «Муқаддамату-л-адаб» асарини мўғул луғати, деб атайди ва ундаги фразеологик ўзлашмаларнинг ўзига хослиги масалаларига эътибор қаратади. Тадқиқотчи фразеологизмларни бир тилдан иккинчи тилга ўзлаштириш масалаларини таҳлил этар экан, Замахшарийнинг асарида ўзлашма мўғулча ибораларнинг саноқли эканини таъкидлайди, бунинг сабаби сифатида муаллифни асарни араб тилида яратганлиги боис, араб тилининг таъсирида, деб ҳисоблайди (Badmatsyrenova, 2014, p. 27-29).

Қозоқ тилшуноси Р.С.Мухитдинов Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари ҳамда араб лексикографиясининг тарихий негизлари ва назарий тамойилларини тадқиқ этар экан, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарини ҳам тилга олиб ўтади, аммо бу луғатнинг таркиби, тузилиши ҳақида маълумот бериш билангина чекланади (Mukhitdinov, 2010, p. 69).

Маҳмуд Замахшарий ҳаётлик чоғидаёқ ўз замонасининг олимлари томонидан "Жоруллоҳ" - "Аллоҳнинг қўшниси", "Устозу-л-араб ва-л-ажам" — "Араб ва араб бўлмаган миллатларнинг устози", "Раису-л-афозил" - "Фозилларнинг раиси", "Каъбату-л-удабо" - "Адибларнинг каъбаси", "Фахри Хоразм" - "Хоразм фахри" каби унвон ва тахаллуслар билан шарафланганлиги ҳам бежиз эмас (Zamakhshariy, 2007, p. 35). Академик А.Рустамий Маҳмуд Замахшарий ҳақида шундай деган эди: "Замахшарий буюк тилшунос эди ва у араб тилшунослигининг ривожига катта ҳисса қўшди. Буни ўрта аср адибларигина эмас, ҳозирги арабшунослар ҳам эътироф қиладилар" (Rustamov, 1996. p. 2). Маҳмуд Замахшарий араб тилшунослиги ва луғатшунослигининг ривожланишида катта хизмат қилган. Хусусан, В.Гиргас таъкидлаганидек, бу даврга, яъни "X асрга келиб кўпчилик тилшунос олимлар наҳвни ўрганишда фақат Басра мактабининг ёки фақат Куфа мактабининг фикрларига эргашиб қолмаганлар, балки улар ҳар иккала мактабнинг ҳам хулосаларидан ўзлари асослироқ, деб билганларини ўзлаштирганлар. Шу тариқа кейинги асрлардаги тилшуносларнинг ҳаммаси учун асос бўлиб қолган грамматик системани ишлаб чиқиб, умумий битта мактабнинг шаклланишига ҳисса қўшдилар" (Girgas, 1873, p. 147). Бундай олимлардан Абу Али Форисий, Сайрофий Нахбий, Абду-л-Қоҳир Журжоний, Маҳмуд Замахшарийларни айтиб ўтиш мумкин. Замахшарийнинг давридан бошлаб грамматика сўзларнинг туркумга бўлиниши асосида, (яъни исм-феъл-ҳарф) талқин қилинадиган бўлди. Шу билан бирга, араб грамматикасини анъанавий талқинидан ҳам воз кечилмади, ушбу йўналиш ҳозирда ҳам мавжуд.

Хулоса. Энг сўнгги тадқиқотлар олимнинг етмишга яқин асарлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу улкан маънавий мерос ичида "Дунё хазинасига тенг асар" саналмиш "Муқаддамату-л-адаб" (Адаб илмига кириш) асарининг алоҳида ўрни бор. Ҳозирги кунда ушбу муҳим асарнинг XIII-XVI асрларда кўчирилган етмишдан ортиқ нодир қўлёзмалари аниқланган. Улар орасида кўчирилиш тарихи кўрсатилган, юртимиз ҳудудида китобат қилинган, туркий сўзлик киритилган нодир нусха - Хоразм қўлёзмаси алоҳида аҳамиятга эга.

Демак, рус ва жаҳон шарқшунослигида Замахшарий илмий меросининг ўрганилишига эътибор кучли бўлиб, шартли равишда асарнинг алоҳида қўлёзма нусхалари тадқиқига бағишланган ишлар, луғатнинг сўзлик қисмига оид таҳлилларни қамраб олган тадқиқотлар,

асарнинг грамматикага оид қисмидаги олим қарашлари ўрганилишига оид илмий изланишларни ажратиш мумкин. Хусусан, араб тилшунослиги, араб луғатшунослигига тааллуқли илмий ишларда ҳам Замахшарийнинг беқиёс хизмати албатта эътироф этиб ўтилган. Бироқ Замахшарийнинг «Муқаддамату-л- адаб» асарининг энг қадимий нусхаси ҳисобланган Хоразм нусхаси ҳали махсус тадқиқ этилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Zamakhshariy “Muqaddimat al-Adab” (2007), From the 1843 Leipzig Edition. Persian in Tradukction by M.Mohagh. Tehron.

2. Veil G., (1905), Die Behandlung des Iiamza-Alif im Arabischen besonders nach der Lehre von az-Zarnahsarl undV1.n al-Anbari, Treatment of the Hamza-Alif in Arabic, Especially According to the Doctrine of az-Zarnashi and Ibn al-Anbari, Munchen, 283 p.

3. Yüce N, (1988) Mukaddimetü’l-edeb. Giriş, Dil Özellikleri, Metin, İndeks. Mukaddimetü’l-edeb: Introduction, Linguistic Features, Text, Index, pp. 15-18.

4. Замахшарий, (1992), Subtle Expressions (Commentary and translation by U. Uvatov), Нозик иборалар (Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов).–Т.: Камалак, pp. 37-38. (in Uzbek)

5. Badmatsyrenova, N.B., (2014), The Specifics of Phraseological Calquing in the Mongolian Dictionary “Muqaddimat al-Adab” / Written Monuments of the East: Problems of Translation and Interpretation. Moscow, Institute of Oriental Studies, RAS, p. 27–29. (in Russian)

6. Belkin, V.M., (1975), Arabic Lexicology. Арабская лексикология. Moscow University Press, p. 162. (in Russian)

7. Girgas V.F., (1873) An Outline of the Grammatical System of the Arabs. Ocherk grammaticheskoy sistemy arabov. – St. Petersburg, 147 p. (in Russian)

8. Gulidova, D.N., (2014), Outline of the Grammatical System of the Arabs, "Sharḥ al-Mufaṣṣal" Ibn Ya‘isha kak pamyatnik srednevekovoy arabskoy grammaticheskoy mysli, Moscow, pp. 27-29. (in Russian)

9. Gulidova, D.N., (2014), Aspects of the Description of Proper Nouns in the Arabic Linguistic Tradition (based on Ibn Yaʿīsh’s “Sharḥ al-Mufaṣṣal”) Aspekty opisaniya imeni sobstvennogo v arabskoy yazykovedcheskoy traditsii (na materiale traktata Ibn Ya‘isha "Sharḥ al-Mufaṣṣal") / Конференция «Ломоносов 2014». Секция «Востковедение, афганистика». – М., 2014. (in Russian)

10. Mukhitdinov, R.S., “Dīwān Lughat al-Turk” and Arabic Lexicography: Historical Foundations and Theoretical Principles: PhD abstract in Philology. – Almaty, 2010, p. 69. (in Kazakh)

11. Poppe, N.N., (1938), The Mongolian Dictionary “Muqaddimat al-Adab”. Mongol’skiy slovar’ Muqaddimat al-Adab. – M. – Л.: АН СССР, p. 171. (in Russian)

12. Radnaev, V.E., (2012), Mongolian Linguistics in Russia in the First Half of the 19th Century: Problems of Heritage. Mongol’skoe yazykoznanie v Rossii v 1-polovine XIX v.: problemy naslediya. – Ulan-Ude: Buryat Science Center SB RAS, 392 p. (in Russian)

13. Gulidova, Nunu Ivanovna (1984), The Phonetic Concept of az-Zamakhshari (12th century). Foneticheskaya kontseptsiya az-Zamakhshari (XII): PhD dissertation in Philology. – Tbilisi, 124 p. (in Russian)

14. Rustamov, A., (2010), Mahmud Zamakhshari (Foreword to the book “Golden Pearls” by Mahmud Zamakhshari). Zamakhshariy merosining ta’limiy ahamiyati – Tashkent: EXTREMUM PRESS, p. 15. (in Uzbek).

15. Salakhov A.M., (2012), A Treatise on Arabic Grammar by Medieval Eastern Authors Used in Tatar Madrasahs in the 19th – Early 20th Centuries // Traktat po grammatike arabskogo yazyka srednevekovykh vostochnykh avtorov, ispol’zovavshiesya v tatarskikh medrese v XIX-nachale XX vv. Nauchnyy Tatarstan, No. 2, pp. 263–266. (in Russian)

16. 16. Safiullina R.R., (2003), The Arabic Linguistic Tradition and Its Reflection in the History of Tatar Linguistics. Arabskaya lingvisticheskaya traditsiya i ee otrazhenie v istorii tatarskogo yazykovedeniya. Cultural Traditions in Eurasia. From the series East-West: Dialogue of Cultures, Issue 4. – Kazan: Fan (Fən), p. 103. (in Russian).